



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2020 йил “ 2 ” септябрь № 457

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 24 августдаги 503-сон
қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илҳом” мукофотини таъсис этиш тўғрисида” 2020 йил 24 августдаги 503-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Вазир ўринбосарлари, вазирлик тизимидаги бўлинмалар, ташкилотлар, олий таълим муассасалари ҳамда ҳудудий бошқармалар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илҳом” мукофотини таъсис этиш тўғрисида” 2020 йил 24 августдаги 503-сон қарорини раҳбарлик ва ижро учун қабул қилсин.

2. Олий таълим муассасаларида шоир ва ёзувчилар ҳаёти ҳамда ижодини чуқур ўрганишни самарали ташкил этиш, ёшларнинг адабиётга қизиқишини янада ошириш, уларни китоб ўқишга даъват этиш ва шу асосда уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтириш мақсадида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Илҳом” мукофоти танлови (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказилсин.

3. Ташкилий кўмита (Ю.Абсоатов)га:

ҳар йили 10 мартга қадар танловнинг дастлабки саралаш – олий таълим муассасаси миқёсида ўтказиладиган босқичи учун тест саволларини мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш ҳамда олий таълим муассасаларига етказиш;

танловнинг барча босқичларини юқори савияда ўтказилишини мувофиқлаштириш, танловнинг якуний босқичи Ҳакамлар ҳайъати таркибини танловни ўтказиш бўйича ҳамкор ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларидан иборат тарзда шакллантириш ҳамда улар томонидан танлов иштирокчиларини баҳолаш жараёнининг холислик ва шаффофлик асосида амалга оширилишини назорат қилиш;

2 ой муддатда мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ, танловни ўтказиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Катта адабиёт байрами” ҳафталиги доирасида “Илҳом” мукофоти билан тақдирлаш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилишини таъминлаш;

талаба-ёшлар ўртасида танловнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда олий таълим муассасасининг веб-сайтларида танлов ҳақида материаллар бериб борилишини мувофиқлаштириш вазифалари юклатилсин.

4. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (О.Базаров), вазирлик хузуридаги “Маънавият ва маърифат” маркази (М.Ботиров), Иқтисодиёт бошқармаси (М.Ҳамраев)га:

3 ой муддатда Ўзбекистон Бадий академияси билан биргаликда шартнома асосида танлов ғолибларига тақдим этиладиган статуэтка эскизи лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун Ташкилий қўмигага киритиш;

5. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллари директорларига:

талаба-ёшлар ўртасида танловнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда олий таълим муассасасининг веб-сайтларида танлов ҳақида материаллар бериб бориш;

“Илҳом” мукофоти танловининг биринчи босқичини Низом талабларига мувофиқ юқори савияда, тест саволлари олингандан сўнг бир кун ичида ўтказиш, танлов ғолибларини рағбатлантириш ҳамда уларнинг ота-оналарига “Ташаккурнома”лар етказиш ва ғолибларнинг ижодий ишларини ректорнинг тақдимномаси асосида **ҳар йили 15 апрелга қадар** Ташкилий қўмигага тақдим этиш вазифалари топширилсин.

6. Иқтисодиёт бошқармаси (М.Ҳамраев) мукофотларни тайёрлаш ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросимини ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатларни Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазир ўринбосари Ю.Абсоатов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 24 » август

№ 503

Toshkent sh.

“Илҳом” мукофотини таъсис этиш тўғрисида

Олий таълим муассасаларида шоир ва ёзувчилар ҳаёти ҳамда ижодини чуқур ўрганишни самарали ташкил этиш, ёшларнинг адабиётга қизиқишини янада ошириш, уларни китоб ўқишга даъват этиш ва шу асосда уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг **“Илҳом” мукофотини** (кейинги ўринларда – мукофот) таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. “Илҳом” мукофоти танловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

3. “Илҳом” мукофоти учун танлов ўтказиш қоидалари ва шартлари, ташкил этиш ҳамда ўтказиш, мукофотни топшириш ва молиялаштириш тартибини назарда тутувчи **“Илҳом” мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб кўйилсинки:

а) мукофот шоир ва ёзувчилар ҳаёти ҳамда ижодини ўрганиш, уларнинг асарларини таржима қилиш, шу асосда тадқиқотлар ўтказиш, кино ва сахна асарлари яратиш каби маънавий-маърифий, илмий-ижодий жараёнларда энг юқори натижаларга эришган олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ҳамда фаолият юритаётган ёшларга берилади;

б) мукофот учун танловни юқори савияда ўтказишга **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул**, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Ёддий академияси ҳамкор **вазирлик ва идоралар этиб белгиланади**;

в) мукофот билан тақдирлаш ҳар йили **Адиблар хиёбони очилган кун** – **20 майда** “Катта адабиёт байрами” ҳафталиги доирасида амалга оширилади;

г) танлов ғолиблари куйидагича тақдирланади:

1-ўрин учун – Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган “Spark” энгил автотранспорт воситаси, махсус диплом ва статуётка;

2-ўрин учун – 30 млн. сўм пул мукофоти, махсус диплом ва статуётка;

3-ўрин учун – 15 млн. сўм пул мукофоти, махсус диплом ва статуётка.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маданият вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ўзбекино” миллий агентлиги билан биргаликда “Катта адабиёт байрами” ҳафталиги доирасида “Илҳом” мукофоти билан тақдирлаш бўйича дастурни икки ой муддатда ишлаб чиқиб тасдиқласин ҳамда тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Бадий академияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмасига биноан шартнома асосида мукофот статуёткаси эскизи лойиҳасини уч ой муддатда ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун “Илҳом” мукофоти танловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмитага киритсин.

7. Мукофотларни тайёрлаш ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросимини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур танловларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

**“Илҳом” мукофоти танловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш
бўйича ташкилий қўмита
ТАРКИБИ**

- Ю. Абсоатов – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари, *Ташкилий қўмита раиси*
- О. Базаров – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи, *Ташкилий қўмита раиси ўринбосари*
- М. Рустамбаев – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти бошлиғи
- Б. Матлюбов – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи
- М. Қуроноф – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг ўринбосари
- Ш. Ризаев – “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари
- М. Абдусаматов – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби
- Ж. Ниязбеков – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Ижодкор ёшлар билан ишлаш ва оммавий маданий тадбирларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи
- М. Машарипов – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Бешта ташаббус лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи
- Ф. Абиджанова – Ўзбекистон Бадиий академияси масъул котиби
- О. Худойназаров – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, *Ташкилий қўмита котиби*

Изоҳ: *ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

“Илҳом” мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. “Илҳом” мукофоти (кейинги ўринларда – мукофот) шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларнинг асарларини таржима қилиш, шу асосда тадқиқотлар ўтказиш, кино ва сахна асарлари яратиш каби маънавий-маърифий, илмий-ижодий жараёнларда энг юқори натижаларга эришган олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ва фаолият юритаётган ёшларга берилади.

2. Танлов қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

олий таълим муассасаларида шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишни самарали ташкил этиш;

ёшларнинг адабиётга қизиқишини ошириш, китоб ўқишга даъват этиш ва шу асосда уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтириш;

маънавий-маърифий, илмий-ижодий жараёнларда юқори натижаларга эришган олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ва фаолият юритаётган ёшларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятини рағбатлантириш;

шоир ва ёзувчилар асарларини таржима қилиш, шу асосда тадқиқотлар ўтказиш, кино ва сахна асарлари яратиш ҳамда уларни ёшлар орасида оммалаштириш.

3. Мукофот олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёки фаолият юритаётган уч нафар ғолибга (ёки ижодий жамоага) 1, 2 ва 3-ўрин кетма-кетлигида берилади.

4. Ғолиблар мукофот билан ушбу Низомга иловага мувофиқ схема асосида тақдирланади.

2-боб. Танловнинг дастлабки саралаш босқичини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

5. Танловда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, республикамиздаги барча олий таълим муассасалари иштирок этиши мумкин.

Танлов икки – дастлабки саралаш ва асосий танлов босқичларида ўтказилади.

Дастлабки саралаш босқичи номзодлар таҳсил олаётган ёки фаолият юритаётган олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилади.

6. Дастлабки саралаш босқичида номзодлар олий таълим муассасаси миқёсида тест саволлари орқали сараланади.

Тест саволлари “Илҳом” мукофоти танловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита (кейинги ўринларда – ташкилий кўмита) томонидан ҳар йили 10 мартга қадар шакллантирилади.

Тест саволлари миллий адабиётимизнинг дурдона асарлари, адиб ва мутафаккирларнинг бой маънавий мероси, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодини қамраб олувчи 50 та саволдан иборат бўлади.

7. Тест саволлари олий таълим муассасаларига ҳар йили 15 мартга қадар тақдим этилади. Саволларнинг ошқор этилмаслиги, синовларнинг очик ва ҳаққоний ўтиши учун масъулият олий таълим муассасаси ректори зиммасига юкланади.

Дастлабки саралаш босқичи тест саволлари олингандан сўнг бир кун ичида ўтказилиши лозим.

8. Тест натижаларига кўра, энг юқори балл тўплаган уч нафар номзод олий таълим муассасаси ректорининг тақдимномаси асосида кейинги босқичда иштирок этиши мумкин.

Шоир ва ёзувчилар ҳаёти ҳамда ижоди асосида кино ва сахна асарлари яратган, адиблар ҳаёти ва ижоди ҳақида илмий-оммабоп тадқиқотлар ўтказган, уларнинг асарларини хорижий тилларга таржима қилган ёшларга олий таълим муассасаси ректорининг тақдимномаси, истисно тариқасида, тест синовларисиз берилиши мумкин.

9. Дастлабки саралаш босқичи натижаларидан норози бўлган иштирокчи қабул қилинган қарорга нисбатан ғолиблар эълон қилинган санадан бошлаб ўн кун муддат ичида ташкилий кўмитага апелляция тартибида шикоят киритиш ҳуқуқига эга.

Ташкилий кўмита шикоятни апелляция тартибида кўриб чиқишда, унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этганда ҳақиқий ҳисобланади.

Ташкилий кўмита ўн кун муддат ичида шикоятни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади ва қарор нусхасини мурожаат қилган шахсга юборади:

шикоятни қаноатлантиришни рад этиб, саралаш босқичи бўйича олий таълим муассасаси қарорини ўзгаришсиз қолдириш;

шикоятни қаноатлантириб, саралаш босқичи бўйича олий таълим муассасаси қарорини қисман ёки бутунлай бекор қилиб, янги қарор қабул қилиш.

Ташкилий кўмитанинг шикоятни апелляция тартибида кўриб чиқиши баённома билан расмийлаштирилади.

Ташкилий кўмитанинг апелляция мажлисига мурожаат этган шахс таклиф этилади. Унинг иштирок этмаслиги мажлиснинг ўтказилмаслигига ёки бошқа кунга қолдирилишига асос бўлмайди.

10. Олий таълим муассасаларида сараланган номзодларнинг хужжатлари расмийлаштирилиб, ташкилий кўмитага тақдим этилади.

11. Ҳар йили 15 апрелга қадар олий таълим муассасаси томонидан “Илҳом” мукофоти танловининг асосий босқичида иштирок этиш учун номзоднинг қуйидаги хужжатлари тақдим этилади:

олий таълим муассасасининг тақдимномаси;

паспорти (ID-картаси) нусхаси;

маълумотнома-объективка;

танловда иштирок этиш учун тақдим этадиган ишлари (фото-видео лавҳалар, тадқиқотлар, бадиий асарлар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар).

11. Номзоднинг хужжатлари юқорида кўрсатилган тартибда қабул қилинади.

3-боб. Танловнинг асосий босқичи ғолибларини аниқлаш ва баҳолаш тартиби

12. “Илҳом” мукофоти танловига тайёргарлик кўриш, номзодларнинг хужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш, уларни кўриб чиқиш, саралаш ва баҳолаш ташкилий кўмита томонидан амалга оширилади.

13. Мукофот учун танлов ғолибларини аниқлашда, қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади:

Адиблар хиёбонида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар бўйича маълумотнома (фото ва видео лавҳалар);

адиблар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тадқиқотлар;

адиблар ижодини оммалаштириш, шу жумладан уларнинг асарларини хорижий тилларга таржима қилиш бўйича амалга оширилган ишлар;

адиблар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ёки уларнинг асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар, суратга олинган бадиий ва хужжатли фильмлар, бадиий асарлар, фотокўргазмалар, экспозициялар;

адиблар ҳаёти ва ижодини ўрганишга оид экспедициялар ва уларнинг натижалари;

адиблар ҳаёти ва ижодини тарғиб қилиш бўйича оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар.

14. Ташкилий кўмита томонидан бир ой давомида тақдим этилган ишларнинг ижтимоий аҳамияти, мавзунинг ёритилиши, талқиннинг ўзига хослиги, асарнинг бадиийлиги мезонлари бўйича ҳар бир талаб 5 баллик тизимга биноан ҳолислик ва шаффофлик асосида баҳоланади.

15. Ёзувчи ва шоирлар асарларининг хорижий тилларга таржимаси тақдим этилган тақдирда, таржиманинг бадиий сифатини аниқлаш бўйича мутахассислардан хулосалар олинади.

16. Ташкилий кўмитанинг ҳар бир аъзоси томонидан қўйилган баҳолар йиғиндиси умумлаштирилади ва ўртача балл аниқланади.

Энг юқори балл тўплаган номзодлар даражаси бўйича ғолиб деб топилади.

Ташкилий кўмитанинг қарори баённома билан расмийлаштирилади ҳамда унинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

17. Тавсия этилаётган ишларни кўришда номзоднинг истеъдоди, ижтимоий фаоллиги мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги инобатга олинади.

18. Ташкилий кўмитанинг баённомаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилади.

19. Танлов ғолибларини “Илҳом” мукофоти билан тақдирлаш ташкилий кўмитанинг баённомаси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи асосида амалга оширилади.

4-боб. Мукофотни топшириш, танловни ташкил этиш ва ўтказишни молиялаштириш тартиби

20. Ғолиблар мукофот билан ҳар йили Адиблар хиёбони очилган кун – 20 майда “Катта адабиёт байрами” ҳафталиги доирасида тақдирланади.

21. Мукофот билан тақдирланганлар кейинги йилларда ўтказиладиган танловларда иштирок этмайди.

22. Танловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар куйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда танловлар совриндорларига тўланадиган пул мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

5-боб. Яқунловчи қондалар

23. Танловни ўтказиш жараёнлари бўйича келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Мукофот ғолиблари расман эълон қилингандан сўнг бошқа номзодларнинг ариза ва шикоятлари кўриб чиқилмайди.

